



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "30" aprel

Қ-331 -son

Termiz sh.

Бандихон тумани "Сайроб" массиви "Хўжайпок" маҳалласи ҳудудидан "BOYSUN YO'L QURILISH" хусусий корхонасига "Ғишт ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи" қуриш ва боғ ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/423-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 25 июндаги 01-05/180-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Бандихон тумани "Сайроб" массиви "Хўжайпок" маҳалласи ҳудудидан "BOYSUN YO'L QURILISH" хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1189қ-дала контуридаги жами 2,5 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,50 гектари "Ғишт ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 2,0 гектари боғ ташкил этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "BOYSUN YO'L QURILISH" хусусий корхонаси "Ғишт ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун ажратилаётган 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 678 030 (олти миллион олти юз етмиш саккиз минг ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Давлат кадастрлари палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Суванкулов ва У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов